

ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИДА БОШҚАРУВ ВА ТАРБИЯ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

Бахриддин Лутфуллаевич Салимов
Тошкент давлат транспорт университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада ижтимоий муносабатлар тизимида бошқариш жараёни ўта мураккаб, шунинг баробарида ўта маъсулиятли ижтимоий ҳодисадир. Бошқаришнинг самарали бўлиши бир қатор омилларга, хусусан, тарбия жараёнига ҳам боғлиқдир. Бошқариш бу узлуксиз, давомий бўлган тарбиядир. Бу тарбия бутун жамиятда ва унинг таркибига кирувчи турли хил даражадаги жамоаларда олиб борилади.

Калит сўзлар: бошқарув, мафкура, ҳуқуқ, оила, тарбия, фуқаро, бурч.

КИРИШ

Халқни итоатда ушлаб туриш учун ҳокимиятдагилар аввало давлатнинг мажбурлов аппарати, яъни куч ишлатар воситаларига таянганлар ва фойдаланганлар. Аммо, булардан ташқари ғоявий-мафкуравий усуллардан ҳам фойдаланилган. Мазкур ғоя ва мафкураларда ижтимоий тенгсизликнинг азалий мавжудлиги, бой ва камбағалликнинг мавжудлиги табиий эканлиги, яъни бу тартиб ўзгармаслиги, юқори табақадагилар ҳукмронлик қилиши, паст табақадагилар эса уларга бўйсунуши зарурлиги, мол-мулкка эгалик қилиш ва давлатни бошқариш уларнинг қўлидан келмаслиги, ҳукмдорлар томонидан ўрнатилган қонунларга қарши чиқиш эса шаккоклик, итоатсизлик, бебошлик сифатида баҳоланган. Айниқса, қўлидан иш келмаслиги, хусусан, давлатни бошқаришга ҳали тайёр эмаслиги халқнинг қулоғига кўрғошин қилиб қуйилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кант «Немис крепостникларининг халқ эркинликка эришиш учун ҳали пишиб етилмаган деган мулоҳазаларини рад этади». Чунки, Кант феодал ер эгалари ҳисобланган крепостникларнинг бу каби хулосаларни ўз манфаатини кўзлаб илгари сурганлигини тушуниб етган. Шу жиҳатни таъкидлаш ўринлики, халқнинг қачон эркинликка эришиши учун пишиб етилиши масаласи, Кантдан кейинги даврларда ҳам муҳокама этилган ва ҳали-ҳамон баҳсли бўлиб қолмоқда.

Узоққа бормайлик, янгиланган Ўзбекистон даврига мурожаат қилсак. Сир эмаски, Ўзбекистоннинг давлат раҳбари ўзгаргач, мамлакатда кенг миқёсда барча соҳаларда чуқур таркибий ўзгаришлар ва янгиланишлар содир бўлди ва бундай ўзгаришлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Келинг, айтиб дамда булар орасидан сиёсий-ҳуқуқий соҳага ўз эътиборимизни қаратсак. Аввало, тан олишимиз керак, ушбу соҳада мисли кўрилмаган янгиланишлар амалга оширилди. Айниқса, одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини, маданиятини ўстириш масаласида салмоқли ишлар қилиндики, натижада халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишни ва ана шу ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишни ўрганди. Цензурага чек қўйилиб, матбуотда сўз эркинлиги таъминланди. Жамиятдаги мавжуд, йиллар давомида яшириб келинган муаммолар ҳақида очикдан-очик баралла айтила бошланди. Бу жараёндан ҳеч қайси соҳа, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бўладими, ҳокимият бошқариш органлари бўладими, соғлиқни сақлаш йўналиши бўладими ёки мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълимдан иборат барча тизимлари бўладими, ҳеч бири четда қолаётгани йўқ. Зеро, янгиланишлар ва ўзгаришлар шамоли барча-барча соҳаларда эсмоқда. Ўз-ўзидан бу жараёнлар халқимиз онгига, тафаккурига ўз таъсирини кўрсатди, албатта. Зеро, ҳозирги одамларимиз билан, бундан тўрт-беш йил аввалги одамлар орасида ер билан осмончалик фарқ бор деса адашмаган бўламиз. Бироқ, ўша буюк тарихий силжишлар бошланиши арафасида, ундан кейин «бизнинг халқимиз бундай эркинликларга ҳали тайёр эмас» мазмунидаги фикрлар айтилган ва ҳаттоки, ҳозир ҳам ва айтилмоқда. Бу мазмундаги фикрлар тарафдорлари ўз мулоҳазаларини исботлаш учун бизнинг жамият билан бошқа жамиятларни солиштирадилар ва уларда ундай, уларда бундай, каби сўзлар билан бошни қотирадилар. Лекин, бир нарсани унутиб қўядиларки, ҳар бир жамиятнинг, демакким ҳар бир давлатнинг тараққиёт йўли ҳар хил. Кейин, ўша ҳозирги нисбатан ривожланган жамиятлар ҳам ҳозирги ривожланиш даражаларига бирданига эришиб қолмаган. Балки, бу даражага эришгунча, муайян ривожланиш босқичларини босиб ўтишган. Ва бу йўлда маълум бир хато ва камчиликлар ҳам бўлган.

Шундай экан, «бизнинг халқимиз бундай эркинликларга ҳали тайёр эмас» ва «қачонки ўша ривожланган жамиятлар даражасига эришсак кейин тайёр бўламиз» деган мазмунида хулоса чиқариб иш кўрадиган бўлсак, эркинликка ҳеч қачон тайёр бўла олмаймиз. Чунки инсон эркинликка, эркинликни ҳис этмасдан туриб тайёр бўлиб бўлмайди. Эркинликни ҳис этиш учун эса унга эришиш лозимдир. Содда қилиб айтганда аввал одамларга эркинлик бериш керак, ундан кейин уларни

эркинликка тайёр бўлиши, тўғрироғи эркинликка муносиб бўлиш масаласи қўйилса мақсадга мувофиқдир. Инсонга эркинлик берилгандан кейин, бир қатор омиллар, хусусан, таълим ва тарбия инсоннинг эркинликка муносиб бўлиши ва фуқаролик жамиятида тўлақонли фуқаро сифатида яшай олишини белгилаб беради. «Инсон фақат тарбия туфайлигина одам бўлади. Тарбиясиз у ҳеч ким эмас. Шунини кайд этиш керакки, инсонни фақат тарбия кўрган кишиларгина тарбиялай оладилар». Ушбу мулоҳазанинг тўғрилиги Кант замонасида ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам бир неча бор ўз тасдиғини топган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жамиятнинг асосий бўғини – оила ҳисобланади. Ундан кейин барча босқичдаги ўқув юртлари, турли даражадаги жамоалар, кўча, маҳалла, қишлоқлар, шаҳарчалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва энг сўнгида бутун мамлакат аҳолиси ўша давлат жамиятнинг шаклланишини қамраб олади. Аслида, «инсонларнинг икки ихтироси энг оғир ҳисобланади: чунончи, бошқариш ва тарбия санъати». Кант ўзининг бу мулоҳазасида бекорга бошқариш ва тарбияни бир ўринга қўймаган. Бир қараганда бу икки тушунча бир-биридан узок, алоқадорлиги йўқдек. Бошқариш – мамлакат бошқаруви, ҳукмдорларнинг фаолияти билан боғлиқ жараён бўлса, тарбия эса ота-оналар ва ўқитувчиларнинг иши деб баҳолайдиганлар ҳам бор. Аммо, юзаки ёндошганда шундай кўринади. Бу икки тушунчанинг алоқадорлиги шундаки, бошқариш – бу тарбиядир, тарбия – бу бошқаришдир. Биз юқорида тарбия ҳақида, унинг мураккаб, зиддиятли томонлари тўғрисида бафуржа тўхталиб ўтдик. Келинг, энди бошқариш, бошқарув тушунчасини таҳлил этсак. Аввало, шунини таъкидлаш жоизки, бошқарув тушунчаси жуда кенг қамровли, ўта мураккаб тушунчадир. Бошқарув деганда, одатда кўпчиликнинг тасаввурига давлатни бошқариш келади. Лекин, мамлакатларни бошқариш, бошқарувнинг энг юқори, олий даражаси ҳисобланади. Унга, ундан қуйи босқичларда ҳам бошқарувнинг ўзига хос кўринишлари, шакллари борлигини унутмаслигимиз зарур. Бошқарув қўл остингда ўнта одам бўлса ўн хил, юзта одам бўлса юз хил муомала қилишдир. Тушунмаганларга тушунтириш, яъниким тарбиявий ишлар билан доимий шуғулланишни тақозо этади. Лекин, бу осон кечадиган жараён эмас. Бунинг учун бошқарувчиларда ташкилотчилик, билимдонлик, одамийлик, қаътиятлилик, адолатлилик, хушмуомалалик, мустаҳкам ирода, сабр-тоқат ва бошқа бир қатор хусусиятлар мужассамлашган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки,



бошқарувчилардан бир вақтнинг ўзида, қўйилган топшириқ-вазифаларни бажариш, келгусидаги мақсадларга эришиш ва бу жараёнларни инсонлар манфаатларига мувофиқлаштириш талаб этилади.

Юқорида баён этилган фикрлардан шундай хулоса чиқаришимиз мумкин: Ижтимоий муносабатлар тизимида бошқариш жараёни ўта мураккаб, шунинг баробарида ўта маъсулиятли ижтимоий ҳодисадир. Бошқаришнинг самарали бўлиши бир қатор омилларга, хусусан, тарбия жараёнига ҳам боғлиқдир. Бошқариш бу узлуксиз, давомий бўлган тарбиядир. Бу тарбия бутун жамиятда ва унинг таркибига кирувчи турли хил даражадаги жамоаларда олиб борилади. Шу ўринда муайян жиҳатларнинг қисман умумлаштиришни ҳисобга олмаганда, ҳамма учун тўғри келадиган ягона тарбия тамойилини яратиш мушкул иш. Негаки, дунёда қанча одам бўлса, шунча хил феъл-атвор, характер бор. Турфа хил одамлардан ташкил топган жамоалар ҳақида худди шундай хулоса чиқарилади. Шарт-шароитлари мутлоқо бир хил муҳитга эга бўлган жамоалар йўқ. Шундай экан, уларнинг ҳар бири ўзига нисбатан индивидуал ёндашувни талаб этади. Индивидуал ёндашув эса тарбиянинг асосий қоидаларидан биридир. Ёки бўлмаса, биз дастлаб айтиб ўтган оила бошқарувига тўхтайлик. Ушбу мавзуга оид бир фикр билдирмоқчимиз. Бу фикр кўпчилик учун янгилик эмас. Тўғрилиги аллақачон исботланган мулоҳаза: Бир оилада, бир хил шароитда камол топаётган, бир ота-онанинг тарбиясини олаётган фарзандлар ҳам ҳар хил бўлишади. Нима учун шундай? Деган саволга эса ҳаммани қониқтирадиган жавоб йўқ. Фақат шу нарса аниқки, ота-оналар ўз фарзандларининг феъл-атворидан келиб чиққан ҳолда тарбиявий ишларни олиб боришлари керак. Худди шунга ўхшаш ҳолат бошқариш жараёнида ҳам амалга ошиши керак. Фақат бунда ота-оналар ўрнига бошқарувчилар, фарзандлар ўрнида эса жамоа ёки жамият аъзолари бўлишади.

Ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиб туришда муҳим роль ўйнайдиган бошқариш тизимининг мукамал бўлиши, самарали фаолият кўрсатиши ҳам бошқарувчиларга, ҳам бошқарилувчиларга бирдек боғлиқдир. Лекин, тажриба шуни кўрсатадики, улар орасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам силлиқ кечмаган. Шундай бўлиши бир жиҳатдан табиийдир. Чунки, бошқарувчилар билан бошқарилувчилар, қандайдир томонлари билан диалектика тамойилига асосланади. Яъни улар ҳам бир-бирларига қарама-қарши ва шу билан бирга бири иккинчисиз мавжуд бўла олмайди. Булар орасидаги қарама-қаршилиқни келиб чиқишига гоҳ у тараф, гоҳ бу тараф «ташаббус» кўрсатади. Бошқарувчилар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик, шавқатсизлик,

манманлик, худбинлик, калондимоғлик каби ноахлоқий иллатлар бир томон бўлса, Жамоа, жамият тарафидан йўл қўйилган маъсулиятсизлик, ношукурчилик, интизомсизлик, ўз бурчларини англаб етмаслик ва бажармаслик сингари зарарли одатлар иккинчи томондан ана шундай «ташаббус» кўрсатилишига сабаб бўлади.

Дарвоқе, бурчлар ҳақида фикр юритсак. Бу борада, диалектик қонунлар ва категориялар назариясига асос солган, фалсафанинг бошқа соҳаларида ҳам салмоқли изланишлар олиб борган Гегельнинг қуйидаги мулоҳазаларини келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

«Одамнинг бурчлари тўртга бўлинади:

- 1) ўз олдидаги бурчларига;
- 2) оила олдидагиларга;
- 3) давлат олдидагиларга;
- 4) бошқа одамлар олдидагиларга».

Бурч нафақат бошқарувчилар билан бошқарилувчилар ўртасидаги, балки бутун жамият миқёсида давлат билан фуқаролар орасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқий тил билан айтганда бурч – фуқароларнинг давлат, жамият томонидан белгиланган ўз мажбуриятларини адо этишдир. Тўғри, давлат ўз фуқароларининг зиммаларига бурчларни юклатиб қўйиш билан бирга, уларга мўайян ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам берган.

Ижтимоий муносабатлар тизимининг барқарор, самарали ишлаши асосан, фуқароларнинг ўз бурчларига ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларига бирдек амал қилишларига боғлиқдир. Лекин, кўпинча кузатиладиган бир нохуш ҳолат бор. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини жуда яхши биладилар, ҳатто керагидан ортиқ ҳам. Шунинг баробарида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилишни ҳам дўндириб қўядилар. Афсуски, фуқароларнинг ўз зиммаларидаги бурчларига нисбатан бундай муносабатларни ҳар доимо кузатавермаймиз. Одатда баъзи фуқаролар ўз бурчларини билмайдилар ёки билишни ҳам хоҳламайдилар. Билган тақдирларида эса унга панжа орасидан қарайдилар ва уни бажаришни пайсалга солиб юрадилар. Аммо, фуқаролар бир нарсани унутмасликлари лозимки, жамиятда ўрнатилган бурчларни бажариш мажбурийдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам, «Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар». Агарда, фуқаролар ўз ихтиёрлари билан зиммаларидаги бурчларини адо этмасалар, уларни бунга давлат мажбурлайди. Давлатда бунинг учун етарли мажбурлов воситалари, куч ишлатар тузулмалари мавжуддир. Аммо бу фуқаролик жамиятининг табиати учун зарарли бўлган, нохуш ҳолат

ҳисобланади. Чунки, фуқаролик жамиятининг муҳим тамойилларидан бири бу фуқаролар томонидан жамиятда ўрнатилган ўз бурчлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг мазмун-моҳиятини тўлақонли англаб олишликлари, энг муҳими уларга онгли равишда амал қилишлари билан белгиланади.

Гегель «тараққиётни диалектика асосида тушуниш табиат ва жамият ҳодисаларини хилма-хил эканлигини ва унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини, ҳамда табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунларини билишнинг тўғри йўлини кўрсатиб беради». Бу ўринда табиат ва жамият ҳодисалари ҳамда табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари қўшилиб, бир бутунликда ифода этилмоқда. Мақсад аниқ – нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини умумий, яхлит ҳолда тушунтириш. Гарчанд ўзгарувчанлик ва ўзаро боғлиқлик хусусиятлари табиат билан жамиятга бирдек тааллуқли бўлсада табиат, ундаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг ривожланиш қонуниятлари билан жамият, ундаги ҳодисалар ва уларнинг тараққиёт қонуниятлари, моҳиятан бир-бирига ўхшамайди.

ХУЛОСА

Аввалроқ таъкидлаб ўтганимиздек, жамиятнинг вужудга келиши, шаклланиши ва такомиллашуви инсонга боғлиқ бўлиб, инсон жамиятни истаганча ўзгартира олиши мумкин. «Инсон шунчалик кўп томонли нарсаки, ундан ҳамма нарса ясава бўлади...». Ҳозирда жаҳондаги кўпчилик демократик давлатларда жамиятни ўзгартириш жараёнларига оддий фуқаролар ҳам иштирок этишмоқда. Бу жуда тўғри қарор. Негаки, жамият, унда яшовчи ҳамма фуқароларнинг манфаатлари асосида қурилса натижа самарали бўлиши аллақачон ўз тасдиғини топди. Лекин, бундай тўғри хулосага келиш жараёни осон бўлмаган. Асрлар давомида жамиятлар мутлоқо нотўғри тамойиллар асосида яшаб келган. Ҳатто, Гегель «жамиятнинг табақали тузумини ёқлаб чиқади, ўзининг давлатни бошқаришда халқ вакилларининг бўлишига қарши эканлигини билдиради. У жамиятда зодагонлар табақасининг алоҳида роли борлигини тарғиб қилади, ҳатто давлатни бошқаришда зодагонлар имтиёзга эга бўлишини асослайди». Лекин, Гегельнинг давлат ва жамият борасидаги баъзи қарашларига қўшилиб бўлмайди. Айниқса, буюк давлатчиликни, миллатчиликни ва ирқчиликни тарғиб этувчи хулосаларига мутлоқо қўшилиб бўлмайди. Чунки бу каби ғоялар охир-оқибатда миллатлар ва халқлар ўртасида низоларни келтириб чиқишига, давлатлар орасида келишмовчиликлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

REFERENCES

1. В.Ф.Асмус. Иммануил Кант. – Москва: Наука, 1973. - С. 91.
2. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.
3. Salimov B.L. The manifestation of dialectical principles in the life of the human and society // JournalNX: A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. Vol. 6, ISSUE 5, May, 2020. – P.112-117.
4. Иммануил Кант. Педагогика тўғрисида. – Тошкент: Niso poligraf, 2013. – Б. 32.
5. Салимов Б.Л. Случайность связана с существующими условиями или является результатом их взаимоотношений // International Conference on Social and Humanitarian Research. – Poland. 2021. – P.175-177.
6. Салимов Б.Л. Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимостей // Colloquium-journal. –v 2020. -№24 (76). Część 2. -С. 33-35.
7. Сержило тафаккур дурдоналаридан. – Тошкент: Navro'z, 2003. – Б. 297.
8. Salimov B.L. Expression of Dialectic Categories in the Individual's Social Life // openaccessjournals. eu. International Journal of InnovativeAnalyses and Emerging Technology. Volume: 1, Issue 4, 2021. -P.16-18.
9. Ziyodulla Davronov. Falsafa. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2006. – Б. 269.
10. Салимов Б.Л. Философская роль диалектических категорий в жизни человека // Историческая психология и социология истории (historial psychology & sociology). – М., 2020. Т. 13. -№1. -С. 111-119.